

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!
Сиз, азизларни Ўзбекистон рангли металлургия саноатининг етакчиси – Олмалик кон-металлургия комбинати ташкил топганининг кутлуғ 70 йиллик санаси муносабати билан чин қалбимдан табриклаймиз.

Комбинат тарихи республикамизда рангли, нодир ва қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлашга қаратилган мутлақо янги тармоннинг яратилиши ҳамда йирик ишлаб чиқариш қувватлари ва замонавий Олмалик шахрининг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқдир. Бу тарих замирида шонли анъаналарни муносиб давом эттираётган, бутун билим ва тажрибаси, маҳорати, қалб кўрини ўз ишига бахшида этиб, фидокорона меҳнат қилаётган минг-минглаб одамларнинг жуда катта машаққатли хизматлари мўжассам.

Корхонанинг бунёд этилиши мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни кенг қўламда ўзлаштиришга йўл очиб берди.

Сизларга маълумки, бугунги кунда юртимиз тараққиётининг янги босқичида биз саноат ва иқтисодий салоҳиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Комбинат мисолида оладиган бўлсак, бу борада ўтган йили қабул қилинган «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қорхона фаолияти учун катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Ушбу улкан мажмуанинг кўп миллатли ва аҳил жамоаси республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган чуқур таркибий ислохотлар жараёнида, бутун мамлакатимизни, миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилишда фаол иштирок этаётганини барчамиз яхши биламиз ва чексиз қадрлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, Ватанимизнинг куч-қудрати ўсишида, Ўзбекистонда қазиб олинаётган қимматбаҳо ва рангли металлларнинг юксак сифати бутун дунёда алоҳида эътироф этилишида иқтисодиётимизнинг локомотиви ҳисобланган комбинатнинг 35 минглик жамоаси салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда мажмуа томонидан Тошкент, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги қимматбаҳо ва рангли металллар энг илғор технологиялар асосида, етакчи хорижий компаниялар ҳамкорлигида жадал ўзлаштирилмоқда, харидорғир маҳсулотлар ҳажми оширилиб, уларнинг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда.

Жаҳон бозоридagi кескин рақобат шароитида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида комбинатнинг узок муқаддлатли модернизация дастури ишлаб чиқилди.

Айни пайтда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётгани, айниқса, эътиборга лойиқ, Хусусан, «Ангрэн» эркин иқтисодий зонасида барпо этилган Ангрэн қувур заводи, Жиззах вилоятида цемент заводи фойдаланишга топширилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

мамлакатлари ҳудудидан энг йирик – бир йилда 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш салоҳиятига эга бўлган мис бойитиш фабрикаси ва бошқа замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг қурилиши бошланди.

Энг муҳими, олиб борилаётган жадал ва тизимли бунёдкорлик ишлари натижасида маҳаллий аҳоли учун минглаб қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Яқин йилларда комбинатни модернизация қилиш дастури доирасида 2023 йилга келиб ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,5 баробарга ўсишини таъминловчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Барчамиз яхши биламизки, ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ва илмий технологияларни жорий этиш масалалари юқори малакали кадрларни талаб қилади. Шу боис, белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлашга қодир бўлган замонавий ва етук мутахассисларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Олмаликда фаолият юритаётган Тошкент давлат техника университетининг филиали, шунингдек, ўтган йили ташкил этилган Россия Федерациясининг Миллий технология тадқиқотлар университети Москва пўлат ва қотишмалар институти филиали ушбу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Корхонанинг барча ишчи-ҳодимлар учун муносиб ҳаёт ва меҳнат шароитларини, уларга ҳамма қулайликларни яратиб бериш борасидаги ижобий тажрибасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун бу ерда замонавий уйлар, маданият ва спорт масканлари, равоқ қўчалар, кўркам ва файзли гушлар, бир сўз билан айтганда, зарур инфратузилмалар бунёд этилмоқда. Бу бекиёс рағбат ва эътиборнинг яққол мисолини – йилдан-йилга ривожланиб, хорижий меҳмонлар ва инвесторлар учун жозибадор бўлиб бораётган Олмалик шахрининг обод ва фаровон қиёфасида ҳам кўриш мумкин.

Хурматли дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи бутун халқимиз қатори комбинат жамоаси олдида ҳам миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган муҳим ва стратегик вазифаларни қўймоқда.

Мажмуа базасида юқори технологик ва қўшимча қийматга эга харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бу йўлда юртимизнинг табиий, меҳнат ва интеллектуал ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш масалалари гоятда долзарб бўлиб турибди.

Ишончим комилки, комбинатнинг юксак касбий маҳоратга, бой билим ва малакага эга меҳнаткашлари бу муҳим ҳамда дастуриламал вазифаларни шараф ва матонат билан урдайдилар.

Ушбу айём муносабати билан сизларни яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида олиб бораётган бунёдкорона меҳнатингизда янги зафарлар тилаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛГОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, кон-металлургия саноатини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш ва унинг барқарор ишлашини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш йўлидаги улкан хизматлари, тизимли тубдан такомиллаштириш, жаҳон андозаларига мос янги корхоналарни ташкил этиш, стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни самарали ўзлаштириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, кўп миллатли меҳнат жамоасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Анарбаев Алижон Миноварович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи эритувчиси

Хатамов Масидик Жавакович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ангрэн кон бошқармаси Қизил олма шахтаси портлатувчиси

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Ашурматов Гани Тухтаматович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Чодак кон бошқармаси

си Пирмироб шахтаси лаҳим ўтувчиси

Исаков Махамдамин Мамадумарович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси директори

Князькин Михаил Николаевич – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи механика-йиғув цехи сайқалловчиси

Мирахмедов Хасан Тургинович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси директори

Раҳманов Музафар Абдикаримович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси «БелАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси

Седов Сергей Анатольевич – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси шарқий карьер экскаватор машинисти

Сидиков Равшан Мирзабекович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси директори

Усмонова Саяра Душабаевна – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акция-

дорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси бойитиш маҳсулотни назоратчиси

Холбаев Мирзадулла Жангилевич – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи мис электролизи цехи катодчиси

Хузин Вагиз Кадимович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг рух заводи электролит цехи эритувчиси

«Дўстлик» ордени билан

Абдулаева Ленура Решатовна – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг портловчи материаллар заводи етакчи муҳандис-технолог

Абдулҳаметов Аҳмаджон Абдулмажитович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Чодак кон бошқармаси директори

Азимов Турғунбек Ибрагимович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи темирчилик-пайвандлаш цехи чилангари

Байматов Абдумажит Ниязович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ангрэн кон бошқармаси Кўчбулоқ шахтаси машинисти

Давоми 2-бетда ➡

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИГА 70 ЙИЛ



Олмалик шахрида "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ташкил этилганининг 70 йиллик санаси кенг нишонланди.

Асосий байрам тадбири комбинатнинг "Металлургия" маданият саройида бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда ҳукумат, турли вазирлик ва идоралар, йирик саноат корхоналари раҳбарлари, комбинатнинг хорижий ҳамкорлари, жамият ишчи-

ҳодимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида Президентимизнинг Олмалик кон-металлургия комбинати жамоасига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ўқиб эшиттирди.

Олмалик кон-металлургия комбинати мис-молибден, полиметалл, олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича нафақат Ўзбекистон, балки жаҳондаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Айни пайтда корхона ва унинг Тошкент, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги таркибий бўлимларида 35 мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир.

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

2018-2019 йиллар мобайнида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, хунарамдчилик, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш орқали уларнинг қўшимча ва барқарор даромад манбалари шаклланишига шарт-шароитлар яратиш борасида дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг, айниқса, чекка ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг маълум бир миқдорда иқтисодий ҳолати яхшиланишига кўмак бўлди.

Шу билан бирга, кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббуслари бўйича дастурларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат иш-тирокидаги тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш ва банк хизматларининг оммабоплигини ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қамолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги ПФ-5780-сон Фармонида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурларда давлат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг мақсадлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

Давоми 2-бетда ➡

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАРҒИБОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Мазкур ойлик муносабати билан вилоятимизнинг барча ҳудудларида, меҳнат жамоаларида Сайлов кодекси мазмун-моҳиятини кенг оммага тушултириш, сайловларнинг

мамлакатимиз сиёсати, халқимиз ҳаётидаги аҳамиятини тарғиб этишда, меҳнат жамоаларида Сайлов кодекси мазмун-моҳиятини кенг оммага тушултириш, сайловларнинг

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Нурафшон шаҳрида вилоят Адлия бошқармасида ташкил этилди. Марказий сайлов комиссияси билан ҳам-

корликда ўтказилган мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 94-Нурафшон округи ҳудудидаги аҳоли вакиллари, округ аъзола-

ри, тегишли жамоат тузилмалари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛГОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Дромашко Алексей Владимирович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси бульдозер машинисти
Ирназаров Шерзот Журакулович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг рух заводи вельцлаш цехи катта устаси

Исакулов Нарали Уразбаевич – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси майдаловчиси

Караев Сервер Сериянович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси тепловоз машинисти

Каримов Туяган Кадинович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг электр тармоқлари бошқармаси тармоқлар ва нимстанциялар цехи устаси

Мамадалиев Абдухалил Аширалиевич – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси майдалаш цехи гальвировчиси

Махмудова Мухабат Рискутлаевна – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси

Мухамедов Улугбек Яркинович – “SFI MANAGEMENT GROUP” хорижий корхонаси бош директори

Турсункулов Асад Назарович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи мис электролиз цехи бошлигининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари

Хурсанов Нуритдин Жумаевич – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Хонжиза кон бошқармаси шахтаси лаҳим ўтувчиси

“Шухрат” медали билан Абдукадиров Илхом Азимович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг рух заводи куйдириш цехи куйдирувчиси

Анаров Ширали Ахмедович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ковулди кони шахта усти участкаси бошлиғи

Байсупов Камолиддин Турсуналиевич – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси “БелАЗ” автомашинаси хайдовчиси

Жуманазаров Баходир Иркинович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи тегирмон машинисти

Имомов Зоҳиджон Шарифович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи эритувчиси

Касимов Сираджиддин Нематович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи куйиш цехи пўлат эритувчиси

Касимов Хамра Авалбаевич – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи

Колдакова Юлия Юрьевна – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Металлург” маданият саройи халқ жамоаси балетмейстери

Камбаров Абдуқодир Мукмунонович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси устки қатламини очиш карьеры бургилаш қурилмаси машинисти

Мальцева Аида Викторовна – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятига қарашли 22-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Рустамов Отабек Илхамжанович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ковулди кони бошлиғи

Сафаров Рустам Султанович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси электровоз машинисти

Топполов Абдумалик Абдуқаюмович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси “КамАЗ” автомашинаси хайдовчиси

Умурзаков Баҳоуддин Каримович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг саноат сув таъминоти цехи электр таъмирловчиси

Урунбаев Музаффар Ибадуллаевич – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлари бошқармаси таъмирловчи-чилангари

Хошимов Боҳодир Алимович – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси тегирмон машинисти

Шарапова Муаззам Рамазоновна – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Хонжиза кон бошқармаси бойитиш фабрикаси реагент қорувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 октябрь

◀ Бошланғич 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон ва 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3680-сон, 2018 йил 7 июндаги “Хар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон, 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон ва 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сон қарорлари билан республикада **кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш, аёллар учун имкониятларни ошириш ва ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари** (кейинги ўринларда – Дастурлар) амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб: Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни кредитлаш **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича устувор равишда АТ Халқ банк, “Микрокредитбанк” АТБ ва “Агробанк” АТБ** (кейинги ўринларда – ваколатли банклар) орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғармалар) ва бошқа жамғармалар ҳисобидан **кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни**

ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларига ваколатли банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича **фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар беришга рухсат этилади;**

Дастурларни молиялаштириш учун ресурслар ажратадиган Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Жамғармалар ресурсларининг **2020-2022 йилларда сўндирилмаган қисми ҳар ойда ваколатли банкларга Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади, бунда ресурслар бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоиз паст қилиб белгиланади.**

3. Қуйидагилар: Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни 2020 йилда марказлашган ресурслар ҳисобидан молиялаштиришнинг мақсадли параметрлари 1-иловага;

2020 йилда ваколатли банклар томонидан Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни кредитлашнинг мақсадли параметрлари 2, 2а, 2б, 2в-иловаларга;

Давлат дастурлари доирасида ажратилган кредит линияларни 2020-2022 йилларда қайтариш прогнози 3-иловага мувофиқ маълумлансин.

4. Ваколатли банклар кузатув кенгашлари икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин: барча ҳудудларда **“банк хизматлари офислари”нинг кенг тармоғини яратиш**, бунда зарур ҳолларда, мажбур филиаллар тармоғи тузилмасини қайта қўриб чиқши;

ахборот технологияларини қўллаш орқали янги банк хизматлари ҳамда **“модулли” кредитлаш асосида янги кредит турларини** фаол жорий қилиш; кичик бизнес ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантиришга тўқнаш қилувчи долзарб молиявий муаммоларни ҳал қилиш қисми бўйича ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муножаатларини қўриб чиқиш қабулхоналари билан ҳамкорлик қилиш;

банклар Кенгашлари таркибига банкларнинг бошқаруви томонидан тақдим этилган ахборот ва тақлифларни амалий баҳс ва мунозара қилишга қодир **мустақил аъзоларни сайлаш орқали корпоратив бошқаруving замонавий усулларини жорий қилиш** ва самарадорлигини ошириш; коррупцияни бартараф этишга қаратилган манфаатлар тўқнашувининг олдини олувчи ва тартибга солувчи сиёсатни амалга ошириш,

тижорат банкларининг бошқарув аъзолари ва ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган ахлоқий қоидаларни такомиллаштириш;

банк ички мониторинг тизимини жорий қилиш орқали банкларнинг **“мижозга йўналтирилганлик”** иш услубини янада кучайтириш, мижозларга хизмат кўрсатишда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2019 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон Фармони доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш учун АТ Халқ банкни устак капиталини **250 миллиард сўмга**, “Микрокредитбанк” АТБ устак капиталини **170 миллиард сўмга** ва “Агробанк” АТБ устак капиталини **290 миллиард сўмга** ошириш учун маблағлар ажратсин.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари билан биргаликда ажратилган ресурслар доирасида ваколатли банклар молиялаштирадиган ёшлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар рўйхатини шакллантирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда ҳар бир туман кесимиде Дастурлар доирасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва кредитнинг қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлари ва туманлар Кенгашларига ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосарининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари биринчи ўринбосарларининг Дастурларни амалга ошириш самарадорлиги борасидаги ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 октябрь

◀ Бошланғич 1-бетда

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАРҒИБОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қайд этиш жоизки, айни пайтда вилоятда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 13 та, Халқ депутатлари Тошкент вилоятига сайлов ўтказувчи 60 та, Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 626 та округ сайлов комиссиялари тuzилди. Шунинг

дек, 950 та сайлов участкаси мавжуд. Сайловларда овоз берувчилар сони 1 млн. 830 минг 676 нафарни ташкил этмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан Марказий сайлов комиссияси котиби Худойёр Маматов, мазкур комиссия аъзоси Баходир Юнусов ва бошқалар халқимизнинг сиёсий онги ва маданияти жамиятда кечаётган янгиланиш ва

ўзгаришларга монанд ўсиб бораётгани, жамиятда очиклик таъминланаётгани, бўлажак сайловлар янги қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўттиши айни жараёнга ҳамда юксак демократик тамойилларга тўла мувофиқ экани хусусида сўзлаб, кодекснинг ўзига хос муҳим жиҳатлари хусусида фикр юритдилар.

* * *

Нуратшон шаҳридаги Халқаро Матбуот маркази Тошкент вилояти бўлимида “Сайлов қонунчилиги тарғиботида

оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти” мавзусида семинар бўлиб ўтди.



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда туман, шаҳар газеталари бош муҳаррирлари, ҳокимликларнинг ахборот хизмати раҳбарлари иштирок этишди. Тадбирда сайловларда очиклик ва ошқораларнинг тарғиботи бўйича миллий марказ аъзоси М. Усмонов, Тошкент давлат юридик университети профессори Х. Муҳаммадиев, Олий Мажлис Сенати



аҳамияти беқиёс экани, тегишли сайлов комиссиялари ўз фаолиятларида оммавий ахборот воситалари хизмати ва қўмағига катта умид ва ишонч билдириши таъкидланди. Семинарда сўзга чиққан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ аъзоси М. Усмонов, Тошкент давлат юридик университети профессори Х. Муҳаммадиев, Олий Мажлис Сенати

журналистларни вилоят сайлов комиссиясида аккредитациядан ўтказиш бошлангани маълум қилинди.

Маълумот ўрнида, сайловга доир материаллар “Тошкент” телеканали ва радиосида, “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари, шунингдек, тармоқ нашрлари, шаҳар, туман ҳокимликлари муассислигидаги нашрлар, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги Тошкент вилояти мухбирилик пункти, маҳаллий интернет сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқларда мунтазам еритиб борилмоқда.

Семинарда вилоят сайлов комиссияси раиси Ж. Насриддинов сўзга қайди.

Халқаро Матбуот маркази Тошкент вилояти бўлими Равшан МИРЗАКУЛОВ олган суратлар

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ
КОМБИНАТИГА 70 ЙИЛ

борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида, комбинат томонидан жорий йилнинг 9 ойида қиймати 1 миллиард 400 миллион доллардан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ушбу йилнинг шу даврига нисбатан 131,5 фоизни ташкил этди. Айниқса, катодли мис, рух, олин, кумуш ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортиди.

Комбинатнинг мис эритиш заводи томонидан 100 минг тонна катодли мис олиниб, янги рекорд ўрнатилди. Экспорт ҳажми 655 миллион долларни ташкил этди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўпайди.

◀ Бошланғич 1-бетда

ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, комбинат ишчи-ҳодимларига давлатимизнинг юксак мукофотлари топирилди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Арипов тантанали топишди.

– Бу кун мен учун чинакам қўшалоқ байрам сифатида бир умрга унутилмас бўлиб қолди, – дейди комбинатнинг Хонжиза кон бошқармаси бойитиш фабрикаси реагент қорувчиси Муаззам Шаропова. – Давлатимиз раҳбари мендек оддий бир реагент қорувчиси меҳнатини эътироф этиб, “Шухрат” медали билан тақдирлади. Бу юксак мукофот нафақат мен, балки бутун сурхондарёлик кончилар меҳнатининг юксак эътирофи, ўз навбатида, бизга билдирил-

ган ишонч ҳамда масъулиятдир. Бундай юксак шараф учун Президентимиздан чексиз миннатдорман.

Яқин йилларда комбинат хом ашё базасини қиймати қарийб 3 миллиард 350 миллион долларга тенг миқдорда кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтиришга йўналтирилган инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган. 2023 йилгача комбинатнинг йиллик маъдан қазиб олиш ҳажмини 40 миллион тоннадан 100 миллион тоннагача ошириш, катодли мис ишлаб чиқаришини 106 минг тоннадан 250 минг тоннагача, рух металл ишлаб чиқаришини 68 минг тоннадан 120 минг тоннагача, аф-финажланган олтинни 14,6 тоннадан 30 тоннагача, аф-финажланган кумушни 98,6 тоннадан 215 тоннагача етказиш режалаштирилмоқда. – Сўнгги йилларда комбинатимиз ривожланиши шу қадар жадаллашдики, ҳатто буни бульдозерчи сифатида хис қиламан, – дейди ком-

бинатнинг автомобиль транспорти бошқармаси бульдозер машинисти Алексей Дромашко. – Албатта, бундай ривожланиш зиммаимизга янада катта масъулият юклайди. Президентимизнинг мен каби оддий бульдозерчи меҳнатини юксак баҳолаб, “Дўстлик” ордени билан тақдирлагани кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади. Жонажон Ўзбекистонимиз иқтисодий тараққиётга оз бўлса-да, хисса қўшаётганимдан фخرланаман.

Эрта тонгдан шаҳар кўчалари, меҳнат жамоаларида бошланган байрам тадбирлари комбинат спорт мажмуасидаги катта байрам концерти билан аяқланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, ЎЗА мухбири

◀ Бошланғич 1-бетда

□ Ҳамкорлик

Вилотимизнинг маъмурий маркази – Нурафшон шаҳрида икки кунлик "Invest in Tashkent Region" халқаро инвестицион форуми ўз иштини бошлади. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилаётган форумдан мақсад – вилоятда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ҳудуднинг инвестиция жозибадорлигини ошириш ҳамда чет эл инвесторларини минтақамизга кўпроқ жалб этишдир. Форум 2019-2020 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури ижросини таъминлашда, айниқса, муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш зорур.



НУРАФШОН ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ҚУТЛАЙДИ



Мазкур халқаро инвестицион форум кенг миқёсдаги анжуман ҳисобланиб, унда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 350 дан зиёд сиёсатчилар, дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилотлар аъзолари, ишбилармонлар, тадбиркорлар ва давлат хизматчилари иштирок этмоқда.

Шубҳасиз, форум барча иштирокчиларга ишбилармон шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш, ўзаро манфаатли лойиҳалар бўйича инвестицион имкониятлар ҳақида фикр алмашиш, тадбиркорлик алоқаларини ўрнатиш, саноат корхоналарига ташриф буюриш, шунингдек, минтақанинг бой маданияти ва тарихий мероси билан танишиш учун катта имконият яратди.

Бугунги кунда Тошкент вилояти юқори иқтисодий салоҳиятга,

табиий ва инсон ресурсларига, ривожланган транспорт коммуникацияларига эга ҳудуд ҳисобланади.

Агар саноат салоҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, республикада ишлаб чиқарилган барча саноат маҳсулотларининг 15,3 фоизи вилотимиз ҳиссасига тўғри келади. Вилотининг етакчи тармоқлари, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, кимё ва нефть-кимё саноати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, машинасозлик, металлга ишлов бериш ва ёқилғи саноати ташкил этади. Минтақада 6 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият юритиши ва ҳудудда бир қатор катта-катта иқтисодий ва саноат зоналари ташкил этилгани инвесторлар учун янада қулай шароит-

лар ва имтиёزلардан фойдаланишга имконият яратди.

Вилотат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ ҳўжалиги ҳисобланади. Вилотининг қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги улуши 10,7 фоизни, шунингдек, фермер ҳўжалиқларининг сони 15 минг 380 тани ташкил этади.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар майдони 380 минг гектарни ташкил этиб, унинг катта қисмидан сабзавотчилик, боғдорчилик ва пахтачиликда фойдаланилмоқда. Экспорт қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари эса мева, сабзавот ва дуккакли экинлар ҳисобланади.

Вилотининг туристик салоҳиятига қулай иқлим шароити, ноёб

фауна ва флора, яхши ривожланган туризм инфратузилмаси, "Чорвоқ" эркин туристик зонаси, шунингдек, ҳудуддаги 156 та турли йўналишдаги дам олиш масканлари мавжудлиги билан белгиланади. Улар орасида ситхатгоҳлар, меҳмон уйлари, оромгоҳлар, спорт масканлари бор. Ушбу хилма-хиллик маданий, тарихий, экологик, тиббий, зиёрат ва туризмнинг бошқа турларини ривожлантиришга имкон беради.

Бундан ташқари, вилотда фармацевтика ва тиббиёт соҳалари жадал ривожланмоқда. "Паркент Фарм" ва "Бўстонлик Фарм" эркин иқтисодий зоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хорижий инвесторларга кенг қўламдаги имтиёزلар берилган.

Умуман олганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги иқтисодий ислохотлар ўрта ва узоқ мuddатли истиқболда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва чет эл инвесторлари учун минтақанинг жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Куннинг иккинчи ярмида халқаро инвестицион форум Бўстонлик туманида ўз иштини давом эттирди. "Тибет" дам олиш масканида форум иштирокчилари учун қишлоқ ҳўжалиги ва туризм йўналиши бўйича тақдимотлар ўтказилди. Халқаро форум доирасидаги тадбирлар, шунингдек, тумандаги "Лайнер" дам олиш масканида ҳам бўлиб ўтди.

Дастлабки маълумотларга кўра, хорижий инвесторлар билан қиймати 700 миллион долларни ташкил этувчи 15 га яқин йирик лойиҳалар бўйича ҳужжат имзоланди. Жумладан, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Жанубий Кореянинг "Dongil construction" компанияси ўртасида лойиҳа қиймати 400 миллион долларни ташкил этувчи замонавий кўп тармоқли шаҳарча барпо этишга келишилди.

Хитойнинг "Phoenix international wisdom technology investmen" компанияси билан Нурафшон шаҳар ҳокимлиги ўртасида лойиҳа қиймати 500 минг долларни ташкил этувчи мамлакатимиздаги илк ақли шаҳар – "Smart City" қурилиши бўйича келишилди.

Форум доирасида, шунингдек, Эрон, Филиппин, Туркия, Германия, Россия каби қатор давлатлардан келган инвесторлар билан қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт, логистика каби қатор йўналишларда ҳужжатлар имзоланди.

Форум ишида вилотат ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов иштирок этди.

Форумнинг иккинчи кунинда хорижий меҳмонлар вилотининг иқтисодий ҳамда йирик ишлаб чиқариш қувватларининг салоҳияти, Ўзбекистонда бизнес юриш шарт-шароитлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, диққатга сазовор тарихий ва маданий мерос объектларига саёҳат уюштирилди.

Ўз мухбиримиз

□ Нишондорларимиз

ЎЗИМИЗНИНГ ГҮЛЧЕҲРА ОПА

Бекобод шаҳридаги 16-умумтаълим мактабини вилотимиздаги энг намунали мактаблардан дейиш мумкин. Зеро, мазкур ўқув даргоҳи "Йилнинг энг яхши мактаби", унинг раҳбари Ортиқжон Марупова эса "Йилнинг энг яхши директори", дея эътироф этилди.

Президентимизнинг фармониға мувофиқ, Ўқитувчи ва мураббийлар кўни арафасида мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Гулчехра Туронованинг "Дўстлик" ордени билан тақдирлангани ҳам бутун жамоани қувонтириб юборди. "Мукофот эгасини топибди", дейишмоқда бекободликлар фахр билан.

Дарҳақиқат, Гулчехра Туронова меҳнатсевар, жонқуяр ўқитувчи. Ўзининг хушмуомалалиги, шунингдек, ўқувчиларга нисбатан талабчанлиги билан жамоада ҳурмат қозongan. У ўз дарсларида янги педагогик технологиялар, нооддий услублардан умумли фойдаланади. Ўқувчиларни машғулотларга қизиқтира олади, шогирдларининг мустакил фикрлашини таъминлайди.

Албатта, унинг саъй-ҳаракатлари ўзининг амалий натижасини кўрсатмоқда. Г. Туронованинг шогирдлари шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги фан олимпиадалари, "Билимлар беллашувлари"да муносиб иштирок этиб, голиб ва совриндор бўлишган. Унинг ўтказган тақдир дасрлари мактаб маъмурияти ва шаҳар маорифчилари томонидан юқори баҳолалиб, кўп марта шаҳар халқ таълими бўлимининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Г. Туронова 2013 йилдан буён кимё фанидан шаҳар бўйича "Маҳорат мактаби"ни бошқариб келмоқда. Бундан ташқари, умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тажриба-синовдан ўтказиш бўйича кимё фанидан экспериментатор ўқитувчи сифатида иш олиб боради. 2015 йили вилотда ўтказилган "Энг яхши кимё фан кабинетини мудири" танловида фахрли 1-ўринга сазовор бўлган.

– Гулчехраҳон ҳақиқатан ҳам жамоамиз фахри, – дейди мактаб раҳбари Ортиқжон Марупова. – Берилган ҳар қандай вазифани сидқидилдан бажаради. Жамоада ҳам, оилада ҳам масъулиятни чуқур ҳис этади. Ёшларимиз бу ижодкор ўқитувчидан кўп нарсани ўрганишлари керак.

– Бу юксак мукофотдан, албатта, жуда хурсанд бўлдим, – дейди Гулчехра Туронова. – Яна шуни англадимки, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан ўқитувчиларнинг обрўси ва мавқеини кўтаришга қаратилган эътиборга жавобан, бунданда кўпроқ изланишим зарурга ўхшайди. Қолаверса, бу нафақат менга, балки жамоамга, устозларимга берилган мукофот, деб биламан.

Ашурали БОЙМУРОВОД

□ Яхши хабарлар

"Ватанпарвар" маҳалласига ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Қибрай туманидаги ҳарбий шаҳарчада янги "Ватанпарвар" маҳалласи ташкил этилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини биносининг тантанали очилиш маросимида ҳарбий қисм масъул офицерлари, Тошкент вилояти "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ходимлари, Қибрай тумани Маҳалла-



лар кенгаши ва жамоат вакиллари, фаоллар иштирок этишди.

260 нафар ҳарбий оила яшайдиган мазкур маҳалла фуқаролар йиғинига вилотат "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг совғаси – компьютер тўплами топширилди. Тадбир сўнггида яхши ниятлар билан маросимга ташриф буюрган меҳмонлар учун ош тортилди.

@haqiqatonline

Реклама ва эълонлар

«Оҳангаронцемент» АЖ қошидаги

Қурилиш материаллари ва қурилмалари комбинати куйидаги бўш иш ўринларига танлов эълон қилади:

1. Ишлаб чиқариш бўйича директор:

Номзодга қўйиладиган талаблар: олий техник маълумот; 5 йилдан кам бўлмаган иш стаж; темирбетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқариш жиҳозларини техник характеристикаси ва меҳнат иқтисодиёти ва меҳнат қонунийлиги асослари билимларига эга бўлиш.

2. Назорат ва ўлчаш асбоблари ва автоматлаштириш техниги:

Номзодга қўйиладиган талаблар: мутахассислиги бўйича ўрта махсус маълумот; мутахассислиги бўйича 2 йилдан кам бўлмаган иш стаж; техник фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича билим ва қўникмалар.

3. Меҳнат хавфсизлиги бўйича муҳандис:

Номзодга қўйиладиган талаблар: мутахассислиги бўйича олий маълумот; мутахассислиги бўйича 3 йилдан кам бўлмаган иш стаж ва куйидаги шахсий фазилатларга эгалиги: эҳтиёткорлик, масъулиятлилик, ташкилотчилик қобилияти.

**Мурожаат учун манзил: Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 30-уй (мўлжал: труба заводи); электрон манзил Rafikova@eurocem.ru
Телефон: (+ 99890) 968-77-93**



Янги бинода иш бошлашди



Тошкент вилояти ИИББ Матбуот хизмати

Ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан Чирчиқ шаҳри ва Бўстонлик туманида 2 та янги ИИБ биноси фойдаланишга топширилди.



□ Партиялар ҳаётидан

Ўзбекистон ХДП Пискент тумани кенгашининг ҳаракат дастури асосида Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг тумандаги ижроси ўрганилди. Халқ депутатлари туман кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзолари ҳудуддаги қатор мактабгача таълим муассасаларида бўлишди.

БОҒЧАЛАР ҚАЧОН ИШГА ТУШАДИ?

Аввалроқ мазкур масала юзасидан туман ҳокимининг қурилиш соҳасига жавоб берувчи ўринбосари С. Исакулов, ёшлар сиёсати масалаларига масъул ўринбосари И. Раимкуловага депутатлик сўрови билан мурожаат қилинган.

"Саидобод" МФЙ ҳудудидаги 19-мактабгача таълим муассасида янги 200 ўринли боғча қурилиши олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар 6 фойз иш бажарилган. Ушбу жараёнга 42 нафар ишчи жалб қилинган. Муассаса 8 декабрда битказиб берилиши режалаштирилган. Қурилиш жадаллик билан олиб борилмоқда.

"Файзиобод" МФЙдаги 120 ўринга мўлжалланган янги боғча ҳақида бундай деб бўлмайди. Тез орада ишга туширилиши режалаштирилган муассасада қурилиш 50 фойзга ҳам етказилмаган. "Мустақиллик" МФЙдаги 150 болани қамраб олишга мўлжалланган мактабгача таълим муассасида ҳам қурилиш бошланган. Бирок, натижа бор-йўғи 46 фойзга кўрсатмоқда. "Дўстлик" маҳалласида маблаг йўқлиги сабабли ишлар тўхтатилган боғчанинг ҳолати ҳам паст кўрсаткичда. 120 нафар қора кўз кутиб турган иншоотнинг атиги 20 фойзи қуриб битказилган, холос.

Депутатларнинг кейинги манзили "Майлобод" маҳалласи бўлди. У ердаги 90 ўринли 4-мактабгача таълим муассасида 2018 йилнинг сентябрь ойида таъмирлаш ишлари бошланган. Боғча болалари шунча вақтдан бери тумандаги 6-МТМнинг қўшимча хоналарига қатнамоқда. Мана, бир йилдан ошибдики, таъмирлаш ниҳоясига етказилмаган. Ота-оналарнинг мурожаатлари асосида ҳолат ўрганилиб, қурилиш ишлари учун маблаг ажратилди. Ҳозирда таъмирлаш анча жадаллашди.

3-МТМ тумандаги "Холиқберди" МФЙда жойлашган. Муассаса 120 ўринга мўлжалланган. Айни пайтда қурилиш ишлари 9 фойзга етказилган. Қолган қисми маблаг етмагани сабабли тўхтаб турибди. Мазкур ҳолат ҳам ишчи гуруҳ аъзоларининг эътиборидан четда қолмади.

Депутатлар ҳар бир камчилик, бажарилмаган ишлар сабабини атрофлича ўрганишди. Масалани партия гуруҳи ва доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиш, шунингдек, сессияга олиб чиқишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ХДП
Тошкент вилояти кенгаши
Ахборот хизмати

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

"PRIME REALTY" МЧЖ ҳамда ТИФ "Ўзмилийбанки" Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда "Очиқ аукцион" савдосига чиқарилган Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Қаҳрамон массиви, "Қўргонтепа" маҳалласи, 1-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси – 1 010 000 000 сўм бўлган умумий майдони 2,33 Га, қурилиш майдони 550,16 кв.метрдан иборат "Икки қаватли маъмурий бино ва иншоотлар"и бўйича савдолар давом эттирилмоқда.

Аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Х. Олимжон кўчаси, 13А-уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини талабгорлар тузиладиган закат келишувиға асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фойзидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinitBANK"даги 20208000700765990001, МФО: 01041, СТИР: 304844964 ҳисоб рақамиға тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ҳар бир мўлка қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдоридан тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Х. Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел.: (0599) 858-01-12, e-mail: info@primerealty.uz, www. primerealty.uz. Лицензия рақами RR 0285

□ Эътибор

УЙЛАРИНГИЗ ҚУВОНЧГА ТЎЛСИН

Янгийл шаҳрида 10 та кўп қаватли тураржой бинолари фойдаланишга топширилди. Замонавий андозалар асосида қурилган мазкур уйларда 504 та оила уй тўйлари ўтказишди.

Катта автомобиль трассаси бўйлаб қад ростлаган уйлар шаҳар кўрғига кўрк қўшибгина қолмай, барча қўлайликларни борлиги билан одамларни қувонтирди. Лойиҳа муаллифлари ҳеч нарсани унуттирмаган: уйлар ҳовлисида болалар ва спорт учун мўлжалланган майдончалар, дам олиш ўриндиқлари, автотураргоҳлар, турли дўконлар мажмуаси, хуллас, барчаси аҳоли учун. Яқинда бу ерда янги мактабга таълим муассасаси ҳам ўз фаолиятини бошлайди.

— Қурувчиларга раҳмат, барча ишлари вақтида баҳаришди, — дейди "Янги фарон" маҳалласи раиси Рустам Абдуҳақимов. — Икки ва уч



хоналик мазкур уйларда барча шароитлар яратилган. Подъездларга махсус кодли темир эшиклар ўрнатилган, замонавий лифтлар бир зумда керакли қаватга олиб чиқиб қўяди. Уйларни ипотека


кредитлари асосида имтиёзли тарзда сотиб олиш мумкин. Хонадонларнинг бир қисми кам таъминланган оилаларга ажратилган. — Хурсандчилигимнинг чеки йўқ, — дейди икки нафар но-



гиронлиги бор фарзандларнинг онаси Нозима Каримова. — Шунча йиллик қийинчилиги сарсонликлардан сўнг, ниҳоят менинг ҳам ўз уйим бор. Бизни қўллаб-қувватлаганларга катта раҳмат.

Янги уйларнинг калитини топшириш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Санжар Юсупов қатнашди.
К. САЛОМОВА
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар

□ Моҳият



Абдурахмон Жомийнинг "Баҳористон" китобидан ҳикматлар

Умри мазмунли этгувчи беш унсур ҳар инсоннинг ихтиёри ила мавжуддир: аввало — соғлиқ, минбаъд — тўғри сўзлик, учинчи — саховатпешалик, кейингиси — бир меҳрибон дўст, сўнгра шукроналикдир. Бу неъматлардан бировни маҳрум қилмоқ гўё унинг юзларига мазмунли ҳаёт дарвозасини ёпмоқ.

Хуш ҳаёт беш сири сенга этгум фойш:
Доно ҳақим бирла бўлмак иттифоқ;
Шукру чинсўзлигу соғлигу маош,
Меҳрибон битта дўст — ҳамнафас ўртоқ.

Оқил киши ўлим билан завола топгувчи неъматларни неъмат қаторида санамас. Гарчи умр узун бўлса-да, ўлим билан якун топадиган бўлса, унинг узунлигидан на маъни! Нух пайгамбар минг йил умр кўрди. Аммо, ушбу дам ўлганига беш минг йил тўлди. Энг қадри неъмат — боқий, барҳаётдир, завола топиш эса мангу унга ётдир.

Оқиллар қошида сукули неъмат,
Жонлари жовидон шодон бўлса гар.
Қабринга кирмагиз зар-қумуш ҳеч вақт,
Қабринг боши узра қабртош бўлар.

"Дунё адолатдан қанчалик гуллаб яшаса, зулм, адоватдан шунчалик талон-тароҳ бўлган!" — дейди донишмандлар. Адолат бир ўлкадан етти ўлкага қадар нур бахш этади, жабру зулм эса минг ўлкани зулматга чулғайди.

Адлга интилгин, тонги порлоқдир,
Нур сочар энг олис эл ўлкасиндан.
Гар битта қилмида зулм ўлса зоҳир,
Дунё зимистондир қўланқасиндан.

Шоҳруҳ МҲМИНЗОДА таржимаси

□ Кўргазма

Пойтахтимиздаги П. Бенъков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабининг 100 йиллиги муносабати билан катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛИК АНЪАНАСИ

Тадбир доирасида мактаб музейининг очилиш маросими ҳамда билим юрти битирувчиларининг диплом ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, рассомлик мактабининг устозлари томонидан жойларда маҳорат дарслари ўтказилди. Тошкент Фотосуратлар уйида мактаб ўқитувчиларининг ижод намуналаридан ташкил топган "Бенъков мактаби" номи кўргазма ҳам ташкил этилди.

Хар иккала кўргазма экспозицияларидан соҳанинг етук мутахассис-педагоглари, ёш ижодкор рассомлар, иктидорли ўқувчиларнинг турли жанрдаги ижод намуналари ўрин олган. Уларда юртимизнинг гўзал табиати манзаралари, йил фасллариининг турли кўринишлари, заминимиз неъмат-



лари, ҳаёт фалсафаси, тарихий обидалар, миллий қадриятларимиз, шунингдек, машҳур ёзувчилар Абдулла Қодирий ва Чингиз Айтматов асарларига ишланган иллюстрациялар ўрин олган.

Кўргазмадаги асарлар орасида мамлакатимиз ва Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари акс этган рассомларга кенг ўрин берилган. Жумладан, "Тонг", "Шарқона", "Ез", "Куз", "Посом қирғоғида куз тонги", "Биринчи қор", "Қишки манзара", "Қамчиқ довлони", "Бувим", "Нон", "Қорбоғ манзараси", "Оқтош", "Сўқоқ", "Сўқоқда куз", "Сўқоқ кўчаси", "Кечки Сўқоқ", "Қизил Сўқоқ" ва бошқа қатор ижод намуналари томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ҒАФЛАТДАН УЙҒОТГУВЧИ ДАЪВАТ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, устозимиз Эркин Воҳидов ўзининг "Сўз латофати" китобида Ота лугатимиз саналган "Девону луготит турк" асарининг эллик йил давомида қайта нашр қилинганлиги, бу йиллар ичда беш авлод

табаррук манбадан бебаҳра мактабни ўқиб битирганини мана бундай сатрларда куюниб ёзган эди:
Дил сўзи қатагон эрксиз тузумини,
Биз кўрдик, кўрмасин ҳеч ким ҳеч замон.
Кўп қаттиқ тишлаган эканмиз мумини,
Оғиз очолмасдан юрибмиз ҳамон.

□ Изҳор

Улуғ алломаларимиздан Сулаймон Боқирғонийнинг "Маним хор бўлмишим ўз ғафлатимдин" деган сатрлари асрларнинг ортидан туриб қон томирларимизга "уйғон, уйғон, уйғон", деган оғриқли титроқни солиб турган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлиги

ҳамда "Тошкент-Сити" марказидаги "Конгресс-Холл" залида ўтказилган ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи халқимиз юрагидидаги оғриқли титроқларга малҳам бўлди, орзу-умидларимиз рўйбига катта ишонч берди. Миллатимизни хорликдан қутқарувчи, кенг жамоатчилиқни ғафлатдан уйғотувчи даъват бўлиб жаранглади.

Юртбошимизнинг: "Кимда-ким ўзбек тилининг борлиги, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ тутсин", деган сўзлари халқимизнинг байрамона кайфиятига жўшқин руҳ берди. Ушбу маросимда қатнашиб,

улуғ боболаримиздан мерос она тилимизнинг нуфузи ва мавқеини ошириш йўлида биз ижодкорларнинг олдимизда муҳим ва масъулятли вазифалар борлигини янада чуқурроқ англадим.

Ўзбекнинг бир куюнчақ қизи, сўз йўлида сафарга чиққан дилбанди сифатида боболаримиз асраб-авайлаб, бизга етказиб берган она тилимизнинг умрбоқийлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тез кўнларда ўзининг ижобий натижасини беради, деб умид қиламан. Шунингдек, ўзимни ҳам бу йўлда шу юрт фарзанди сифатида вазифамни адо этишга бурчлиман, деб биланман.

Фароҳат ХУДОЙҚУЛОВА,
шоира

□ Кўзгудаги ўзимиз

— Сизни сўраб келишибди, — деди ҳамкасбим ташқарига имо қилиб.

— Ким экан, — ишим кўплиги учун компьютердан кўзимни узмай сўрадим.

— Бир аёл.

Қоп-қора либосга бурканиб олган аёлни ичкарига тақлиф қилдим. Унга зимдан разм солдим. Нари борса 20 ёшлар атрофида, кўриниши кўркам...

— Мен ҳақимда ёзинг, деб келдим, — унинг дабдурддан айтган сўзлари ҳаёлимни тарқатиб юборди.

Қаршимда ўтирган бу жувондан "Сиз ҳақингизда нималарни ёзишим керак", деб сўрамадим. Чунки, унинг юз-кўзларида изтиробнинг сояси муҳрланиб қолганди. Нозик жуссасини қандайдир бир дард, ҳам эзаётгани сезилиб турарди. Сухбат оқимини унинг ўзига ташлаб қўйдим.

— Мен ота-онасининг қадрига етмайдиган бадбахт фарзандман, — у "тилга кирди". — Худбинлигим туфайли фақат ўзимни уйлар эдим. Энди эса юрагимни армон отлиғ бир кўрт кемирмоқда.

Сухбатдошимнинг жимгина тўкаётган кўзёшлари юрагидан сизиб чиқаётганини қалбим билан ҳис қилдим.

— Дурдона деган синфдошим билан қалин дугона эдик, — бир зум нафасини ростлаб олди у. — Отаси нафасини ростлаб олди у. — Отаси обрўли амалдор эди. Уларнинг яшаш шароитларига, синфдошлар ичда энг олди бўлган дугоналарга роса ҳавасим келарди. Уйларим

га кўп борардим ва улардек тўқ-фаровон яшашни истардим. Биз эса... Бувимнинг ўн икки нафар ўғил-қизлари бўлиб, дадам еттинчи фарзанд эди. Бувимлардан алоҳида турсак-да, қўл учда яшардик. Отам қўлида бирон касби бўлмагани учун "наёмчи" эди. Кичкиналгимда буларга аҳамият бермаган бўлсамда, катта бўлганим сари

яшаш шароитимиздан уялардим. Ҳаттоки, отам бировларнинг хизматини қилишдан орланардим. Онам бечора укам билан кечакундуз тиним билмай боғимизга қарар, мен эса ёрдам бериш ўрнига бутун аламлини улардан олардим. "Нима учун биз ночор ашаймиз? Нимадга Дурдонага ўхшаб энг сўнги урмадаги қонийларни қия олмайман, ундан қаерим кам?", деган гаплар билан ота-онамни қийнардим. Отам шўрлик ишлаб топган пулини менга сарфларди. Ўшанда ҳам бирор касбни бошини тутолмаганим, тўқис яшамаганимиз учун отамни таъна-дашномга қўйиб ташлардим. Уларнинг насихатларини тинглаш у ёқда турсин, оғизларини очиргани қўймасдим.

Амаллаб коллежни тутатдим. Соҳам бўйича ишлаш ўрнига икки йилдан бери ортимда соядек эргашиб юрган Камол исмли йигитга турмушга чиқаман, деб туриб олдим. Бувим ҳали ёшлигимни,

бир муддат ишлаб уйдагиларга нафим тегишини айтганди: "Отам бир наёмчи, камига писта сотувчи аёлнинг қизи бўлсам, ўзимга ўхшаганлар сурайди-да, Дурдонага ўхшаб амалдор отам бўлганида шахзодалардан совчи келарди", дея уларни ҳам ранжитдим. Заҳар-ханда сўзларимни эшитган отамнинг боши эгилди, онам эса титроқдан лабларини тишлади. Мендек ноқобил фарзанднинг яна бир

СЎНГГИ ПУШАЙМОН ЁМОН



"ўйинига" уларнинг кўнишдан бошқа чоралари қолмади.

Тақдиримга, пешонамга ёзилганларга худди ота-онам айбдордек, бор алам ва нафратимни уларга сочардим. Ёсимни таниб, улар мендан бир оғиз ширин сўз эшитишмаган. Тўй бўлиб ўтгунча қилган барча "эркаликларим" ҳақида эсласам, бутун вужудим олов бўлиб ёнади. Шунча қилғилиқларимга қарамай, онам менга чексиз меҳр беришларидан уялиб кетаман.

— Отангиз-чи, у сиздан хафами? — эҳтиёткорлик билан сўрадим.

Унинг қоп-қора киприклари орасидан сизиб чиқаётган кўзёшларидан сергак тортидим. "Демак, отасига нимадир бўлган, бежиз қора қилинмаган экан-да", деган ўй билан уни оғзини пойладим.

— Яқинда отам қазо қилди, — ялт этиб унга қарадим ва келинчақ билан нигоҳларимиз тўқнашди. Шунда унинг кўзларидидаги армонни кўрдим.

— Тўйда қўшнимиздан қарз ол-

ган экан. Отам бечора қарздан қутулиш учун кундузи ишлагани етмагандек, кечга ҳам иш олибди. Уша кунни уйга боргандим. Онам борбунди қозонга солиб, едириб-ичириб жўнатди. Эшиқдан кузатиб чиққан онам илтижолан оҳангда: "Қизим дадангни тоби йўқроқ, қўшнимиз Толиб фермердан иш олган. Шундоқ йўл юзиде, қақириб кўришиб кет, кеча сени соғинганини айтганди", дейишларига қарамай, отам ишлаётган хонадондан юзими буриб ўтиб кетдим. Негаки, ферманинг ахлатини тозалаётган отамдан орландим.

— Отангизни ўлимидан олдин кўрдингизми, рози-ризолик ололдингизми? — сабрим чидамай сўрадим ундан.

Келинчақ юм-юм йиғлаб, бошини сарак-сарак қилди.

— Уша қўшнимизникида ишлаётган жойида вафот этибди, армон билан хўрсинди у. — Дастлаб отамнинг жасадини кўриб қарахт бўлиб

қолдим. Мункиллаб қолган бувим, бева қолган онамнинг дод-фарёдларидан ҳўшим ўзимга келди. Шу тобда қилғилиқларим, ношукрликим кўз ўнгимдан кино тасмадек ўта бошлади. Отамнинг совуқ бағрига ўзимни олдим. Кеч бўлганини билсам-да, эшитмаётганимни ҳис қилсам-да, ундан қайта-қайта уэр сўрадим. Мана, отамнинг вафотида ҳам уч ой бўлди. Вақт ўтгани сари юрагимни армон ўти кемириб бормоқда. Бувим билан онам оғизларини очмасалар-да, уларнинг нигоҳларида: "Отангни сен ўлдирдинг", деган маломатни ҳис қиламан. Ҳақиқатан ҳам отамни жуда қийнаганман. Бу ерга келишимнинг сабаби эса менга ўхшаб ота-онасини азоблаётган фарзандлар вақтида ақлларини йиғиштириб олишларини айтмоқчиман. Кейинги пушаймондан фойда йўқ.

Келинчақ ўрнидан бемажол туриб, эшик сари одимлади. Ортидан: "Турмуш ўртоғингиз ҳақида ҳеч нима демаядингиз?", дея сўрадим.

"Ота-онамни норози қилиб турмушга чиққаним учун оилада ҳам бахтим чопмади. Эрим ўғрилиқ қилиб қамалиб кетди. Хозир онамнинг уйидаман. Ишга кирдим, отам тўлолмаётган қарзини узиш ҳаракатидаман", деди ва хонамни тарк этди.

Жувон кетгандан кейин анча вақт қўлим ишга бормади. Лекин, унинг: "Менинг хатоларимни бошқалар тақорламасин, шунинг учун ёзинг", деган илтимоси ёдимга тушиб, эшитганларимни қоғозга туширдим.

Дилфуза МИРОБИДОВА

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthahqiqati@uam.uz / th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмуджонов
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввир
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Сайдулла САБДУЛЛАЕВ

Буюртма Г-1043. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 332 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.20. 1 2 3 4 5